

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 3 февраль, № 23 (8366) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ – ФАРҒОНА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛМОҚДА

**Президент Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудудлардаги амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.**



Халқимиз фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиёт ривожида йирик лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир шаҳар ва туманнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда истиқболли режалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида “Global textile infinity” кластерининг ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Ўшандаги кўрсатмалар асосида лойиҳа жадаллаштирилиб, декабрда ишга туширилди.

Бу галги ташрифда Қўштепа туманидаги мазкур тўқимачилик корхонаси кўздан кечирилди.

Бу ерда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг тўлиқ жараёни йўлга қўйилган. 132 миллион евро эвазига катта фабрика ташкил этилиб, Швейцариянинг “Rieter Machine Works” ускуналари ўрнатилган.

Корхона йилига 18 миллион метр аралаш мато ҳамда 10 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Европа давлатлари ва Хитойга 85 миллион евролик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Бунинг учун корхонада сифат лабораторияси ташкил этилган.

Президент тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, таниқли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологиялар қўлланилмоқда. Иншоотнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Буларнинг натижасида қарийб 23 фоизгача энергия самарадорлигига эришиш мумкин.

Ҳозирги биринчи босқичда корхонада 1 минг 500 нафар киши ишламоқда. Жорий йил март ойида фабрикада тўқима мато ишлаб чиқариш бошланади. Шунингдек, Учкўприк туманида калава ип ва мато тайёрлаш ҳамда пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этилмоқда. Шунда кластердаги жами иш ўрни қарийб 5 мингтага етади.

Бу ерда ўқув ва касаначилик маркази ҳам очилган. Унда корхона учун зарур 4 та йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда.

Ушбу кластер мажмуасида водий вилоятларида пахта-тўқимачилик саноатини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган олти йилда бу вилоятларда 35 та кластер ташкил этилиб, 670 миллион долларлик 150 дан ортиқ йирик лойиҳалар ишга туширилган.

Маълумки, шу йил 26 январда пахтачилик кластерлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга оид Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, кластерлар пахта етиштиришга ўғит, уруғ, ёқилғи учун имтиёзли кредитларни исталган вақтда олиш имконига эга бўлди. Уларга ғўза навларини мустақил жойлаштириш, четдан ҳосилдор навларни селекция учун олиб келишга рухсат берилди.

Шунингдек, лазерли текислагичларни сотиб олишда улар қийматининг 30 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Ишлаб чиқаришни илм билан боғлаш мақсадида ҳар бир кластерга пахтачилик илмий ташкилотлари ва агрохизмат марказлари бириктирилади.

Йиғилишда мазкур чора-тадбирларнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, калава ипни чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Водийнинг 23 та туманида “хомашё — тайёр маҳсулот — экспорт” занжири асосида тўқимачилик саноатини чуқур ривожлантириш учун барча имконият ва шароитлар бор. Шу боис мазкур 3 та вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари экспортини жорий йилда 2,5 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бугунги тенденцияга ҳамоҳанг, кластерлар ҳам энергия истеъмолининг бир қисмини муқобил манбаларга ўтказиши зарурлиги қайд этилди.

Президент Қувасой шаҳридаги “Art soft ceramics” корхонасида бўлди.

Ўтган йил декабрда иш бошлаган корхона йилига қарийб 3 миллион квадрат метр керамогранит маҳсулотлар тайёрлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 350 нафар ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Маҳаллийлаштириш даражаси 100 фоиз бўлгани боис товарлар хорижникидан анча арзон нархларда бозорга чиқарилмоқда. Шунингдек, уларнинг 35 фоизи Россия, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилиниши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада ва, умуман, Қувасой шаҳрида экспорт кўрсаткичларини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бунинг учун чет элдаги саноат зоналари билан ҳамкорлик ўрнатиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тиббиётда хусусий секторга имконият берилгани рақобат ва сифатни оширишда муҳим омил бўлмоқда. Фарғона вилоятида бундай муассасалар 720 тага етди. Улардан бири Фарғона шаҳридаги “Meridian” тиббиёт марказидир.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

2021 йил декабрда фойдаланишга топширилган клиника замонавий ташхис ва даволаш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бунинг учун Германия, Жанубий Корея, Япония ва Хитойдан замонавий ускуналар келтирилган. Шифохона 120 та стационар ўринга, йилига 2 мингта жарроҳлик амалиётини ўтказиш қувватига эга.

Эътиборлиси, ўтган йили тиббиёт маркази ҳузурида университет ҳам очилди. Ҳозир 600 нафар талаба ўқимоқда, уларга чет эллик ўқитувчилар сабоқ бераётир. Талабалар тиббиёт марказида амалиёт ўтайди.

Шу тариқа бу муассаса замонавий клиникалар, ташхис марказлари, лабораториялар ва университетни ўзида бирлаштирган тиббиёт кластерига айланди.

Давлатимиз раҳбари шифокорлар билан суҳбатлашди.

— Хусусий тиббиётга шароит яратганимиз ўзини оқлади, буни аҳоли қабул қилди. Чунки одамларимиз яхши яшашга интиляпти, ўз соғлиғига қараяпти. Аҳоли даромадини ошириш бўйича қилаётган ҳамма ҳаракатларимиз аслида шунинг учун — халқимизнинг соғлом ва фаровон яшаши учун, — деди Шавкат Мирзиёев.

Клиниканинг интервенцион кардиология, кардиохирургия, трансплантология, радиологияни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилон шаҳридаги “Олтин ипак карвонсаройи” туристик марказини бориб кўрди.

Бу ерга келган киши қадим ўзбек хонадонларидаги муҳитни ҳис этади. Мажмуанинг биринчи қаватида гиламдўзлик, каштачилик, мискарлик каби халқ ҳунармандчилиги хоналари жойлашган. Уларда сайёҳлар миллий маҳсулотларимизнинг тайёрланиш жараёнини яқиндан кўриши, харид қилиши мумкин.

Иккинчи қаватда жами 30 ўринли қадимий услубдаги карвонсарой ташкил этилган. Истиқболда мажмуа бир йилда 10 мингдан ортиқ сайёҳларга хизмат кўрсатиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари миллий ўзлигимизга ва ёшлар тарбиясига эътибори учун ҳунармандларга миннатдорлик билдирди.

— Ҳозирги юксак технологиялар асрида мана шундай оддий, самимий жойларни одам соғинади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу ҳунарларни, бу маданиятни бобо-момоларимиз фақат қўли билан эмас, қалб қўри билан яратган. Бир пайтлар бу йўналишлар йўқолиб кетишига оз қолганди. Уларни асраб-авайлаётганингиз учун раҳмат. Бу маданиятимизни нафақат чет элликларга тарғиб қилиш, балки фарзандларимизга ҳам сингдириш керак.

Президент усталарнинг миллий ҳунарларни мактабларда ўргатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Мутасаддиларга туризм салоҳиятини ошириш, уни тарғиб этишда кино санъатидан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўтган йили Марғилон шаҳрига “Жаҳон ипак ва икат ҳунармандлари шаҳри” мақоми берилган эди. Бундай мақомга Бухоро зардўзлик, Қўқон ёғоч ўймакорлиги бўйича сазовор бўлган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.


**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Таҳлил

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БУРИЛИШ НУҚТАСИДА

***Бугун инсоният ниҳоятда оғир ва мураккаб даврни бошдан кечиряпти. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро молия муассасалари башоратига кўра 2023 йили глобал иқтисодиётнинг учдан бири рецессияга тушади. Хусусан, бу йил АҚШ, Европа Иттифоқи ва Хитой иқтисодиётлари секинлашади. Бунинг асосий сабаби сифатида Европадаги зиддиятлар, санкциялар, нарх-наволар қимматлашиши, фоиз ставкаларининг кўтарилиши ва Хитойда яна коронавирус COVID-19 инфекциясининг кенг тарқалиши кўрсатилмоқда.***



Ўтган йилда юз берган воқеалар жаҳон иқтисодиётига путур етказди, нормал ҳаётга ва COVID-19 инқирозидан илгариги ўсиш суръатларига қайтишни тўхтатди. Экспертлар фикрича, 2023 йил тушиш — рецессия йили бўлиши мумкин. Ва ҳозирги “иқтисодий касаллик” сабаблари жаҳон иқтисодиётининг сурункали муаммолари билан боғлиқ.

2009 ва 2020 йилларда ҳам дунё рецессияга юз тутганди. Иқтисодчилар бу галги рецессия даврини узоқроқ давом этишини башорат қилишаётир. Чунки одамлар қашшоқлашмоқда, компаниялар банкрот бўлмоқда, ижтимоий харажатлар қисқармоқда, инфратузилма таназзулга юз тутмоқда, келажакка сармоя — таълим, ишлаб чиқариш, технология барбод бўлмоқда.

Воқеаларнинг бундай ривожланишини яқин вақтгача ҳеч ким бунчалик олдиндан айтиб бермаган. Пандемия давридаги 3 фоизлик тушишдан кейинги 2021 йилда иқтисодиёт 6 фоизга ўсди, аммо ўсиш 2022 йилда тахминан 3 фоизгача секинлашди ва иқтисодчилар янги йилда ўсиш 2,2 фоиз бўлади, демоқда.

Тўғри, гарчи суст бўлса-да, дунё иқтисодиёти ўсиб бормоқда ва глобал ялпи ички маҳсулот 2022 йилда тарихда биринчи марта 100 триллион доллардан ошди. Ривожланган мамлакатларга бу миқдорнинг 57 фоизи, шу жумладан, АҚШ (жаҳон иқтисодиётининг 25 фоизи) ва Европа Иттифоқи (17 фоизи) ҳиссасига тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатлардан Хитой 18 фоиз билан анча олдинда. Россия улуши атиги 2 фоиз бўлади. Бироқ айнан Ғарбий Европа шу йилги инқирознинг энг оғир зарбасини қабул қилиб олади.

➡ 3

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЗАМОН ТАЛАБИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

*Мамлакатимизда ўтган қисқа давр мобайнида қонунчилик базасини тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шу билан бирга, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида муайян ишлар рўёбга чиқарилди. Албатта, бугунги тезкор замонда шу билан кифояланиб қолиш сира мумкин эмас.*

## Жараён

Буни давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар — амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, янги ҳуқуқий нормаларни қонунларимизда акс эттиришни тақозо қилаётганини ўтказилган таҳлиллар ҳам кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис Сенати қўмиталари томонидан бир қатор қонунларнинг ижро ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди ҳамда қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Ана шу жараёнда айрим қонунларда аниқ механизмларнинг акс эттирилмагани, ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги сабабли соҳа, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинганлиги ҳамда айрим қонунлардаги нормалар амалиётда номувофиқликларни келтириб чиқараётганлиги ва ушбу сабабларга кўра уларни бугунги кун талаби асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати борлиги маълум бўлди.

Хусусан, Сенат ва манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2018 йилда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун бўйича мониторинг ўтказилди.

Айтиш жоизки, ушбу қонун ўтган қисқа вақт давомида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат харидлари йўналишида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бирхиллашувида муҳим ўрин тутди.

➡ 2

Муҳокама

# АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ БОШ МАҚСАД БЎЛИШИ ЗАРУР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди. Унда депутатлар, манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари, экспертлар иштирок этди.*

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда сув хўжалиги тизимида жами 73 та сув омбори ва сел-сув омбори, 1688 та насос станцияси, 49 та ГЭС ҳамда бошқа объектлар мавжуд. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда, аввало, инсон саломатлиги ҳамда аҳоли муҳофазаси бош мақсад бўлиши зарур.

Шу боис қонун лойиҳасида гидротехника иншоотларини ўз вақтида таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, лойиҳалаш ишларида хорижий экспертларни кенг жалб этиш бўйича аниқ нормалар белгиланмоқда.

➡ 2

# ТАДБИРКОРЛИК – БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

*Кейинги йилларда юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали энг асосий муаммолардан бири, яъни камбағалликни қисқартиришга катта урғу берилаётгани бежиз эмас. Негаки, бугун жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар, миграция сиёсати ва халқаро иқтисодий алоқалардаги юзага келаётган муаммолар бандлик масаласининг янада долзарблигини ошириб юборди, десак, айни ҳақиқат.*

## Нуқтаи назар

Бизнинг шароитимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳисобига камбағалликни қисқартириш янада қулай. Чунки тадбиркорликни тараққий эттириш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш ва, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасини кенг ривожлантириш мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринлари, деганидир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар кенг қулоч ёйишида, шубҳасиз, 2021 йил 14 декабрда Президент раҳбарлигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши муҳим ўрин тутди.

### Имтиёз ва имкониятлар

Ёдингизда бўлса, ўша йиғилишда нафақат янги иш ўринларини яратиш, балки мавжудлари ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш энг асосий мезон сифатида белгилаб берилган эди.

Хусусан, 2022 йилда қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 135 минг, инвестиция дастури доирасида 265 минг, туризм ва спорт соҳасида 200 минг, қишлоқ ва сув хўжалигида, жумладан, 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига 1,9 миллион, савдо ва хизмат кўрсатишда 1,5 миллион, пиллачилик ва қоракўлчиликда 1,2 миллион ҳамда ҳунармандчилик йўналишида 80 минг иш ўрни яратиш имконияти мавжудлиги алоҳида таъкидлаб ўтилганди.

Шундан кейин давлат раҳбарининг тегишли Фармон ва қарори билан хизматлар соҳаси учун барча ташкилий ва молиявий масалалар ечиб берилди. Пандемия даврида умумий овқатланиш, савдо, туризм ва транспорт соҳалари учун берилган имтиёзлар муддати узайтирилди ҳамда бу янги иш ўринлари яратишда муҳим омилга айланди.

Президентнинг 2022 йил 27 январдаги қарори эса мазкур соҳада янги тадбиркорлик субъектлари ва иш ўринларини ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этгани айни ҳақиқатдир.

Қарорда 2021 — 2023 йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда соҳа ҳажми қарийб 20 фоизга ўсгани келтирилгани ҳолда уни ривожлантириш учун янгича ёндашувни жорий этиш ва кўрсаткични 2022 йилда 1,5 баравар ошириш ва қўшимча 1,5 миллион янги иш ўрни яратиш имкониятлари мавжудлиги таъкидланганди.

Шунингдек, қарор билан тегишли имтиёз ва қулайликлар ҳам белгилаб берилди. Жумладан, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария, кўнгилочар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари бўйича юридик шахсдан олинадиган ер солиғи ва юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 90 фоизга камайтириш ва фойда солиғини ҳисоблашда бинолар қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган.



Шунингдек, республикамиз ҳудудларидаги 28 та туман ва шаҳарда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар белгиланадиган туризм ҳудудларида рўйхатдан ўтган ҳамда уларда умумий овқатланиш, меҳмонхона, савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланди.

Қарорда яна қатор имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, бу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

### Оилавий корхоналар кенг қўллаб-қувватланмоқда

Оилавий корхоналар тадбиркорликда катта аҳамиятга эга. Шу боис уларни ривожлантириш доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Қарорга кўра 2022 йил давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ресурслари тижорат банкларига йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирилиши ва бу кредит ресурслари имтиёзли, яъни йиллик 14 фоизли ставкада ажратилиши назарда тутилди.

Жумладан, оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача, чорвачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, куркачилик ва паррандачилик, биогумус ишлаб чиқариш, “дала дўконлари”ни қуриш ва кўчма музлаткичларни ўрнатиш учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йил муддатга, боғдорчилик (кўчатчилик), узумчилик (ток сўриси) ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона қуриш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарини харид қилиш ҳамда уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар қуриш, артезиан қудуқларини қазиш учун — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ва оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтов лагерлари мажмуаси, автокемпинглар, экоуйлар мажмуаси, контейнер шаҳарчалар ва чодирли лагерлар ташкил этиш ва уларни таъмирлаш учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга ажратилиши белгиланди.

Албатта, бундай имтиёз ва қулайликларни яратишдан кўзланган асосий мақсад оилавий тадбиркорликни янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, натижада мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришдан иборат бўлиб, бунга қай даражада эришилаётганини барча кўриб-билиб турибди.

Шу ўринда мамлакат етакчисининг ташаббуси билан ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш ва норасмий бандликни давлат рўйхатидан ўтказишни рағбатлантириш борасида ҳам дадил қадамлар ташланганлигини айтиш зарур.

### Соҳага қаратилган эътибор қандай самара бермоқда?

Президентимиз раҳбарлигида 2023 йил 25 январь куни камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда аниқ тўхталиб ўтилди.

Келтирилганидек, 2022 йилда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушган, бунда ҳоким ёрдамчилари 1 миллион нафар аҳолини касб-ҳунарга ўқитиб, тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашгани, даромадли иш билан банд қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Ўз навбатида, йиғилишда бу борадаги ишларни 2023 йилда ҳам изчил давом эттириш, бандликни таъминлаш бўйича барча тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди ҳамда 2023 йилда 5 миллион киши бандлигини таъминлаш, шу жумладан, 2 миллионта доимий иш ўрни яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш мақсадида молиявий кўмак кўлами кенгайтирилади, яъни оилавий тадбиркорлик дастурига 2023 йилда 12 триллион сўм ажратилади.

Йиғилишда бандликни таъминлаш бўйича энг катта имконият, яъни аҳолига тарқатилган ерлардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, 4 ва 5-тоифаларга кирган туманларда камбағалликни қисқартириш ишлари ҳам янгича ташкил қилиниши белгилаб олинди.

Кўриниб турибдики, олдимизда ниҳоятда улкан вазифалар бор. Уларни муваффақият билан адо этиш нафақат масъуллар, айни чоғда биз, парламент вакилларидан ҳам катта куч ва масъулият талаб этади.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

## Муносабат

# БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЕНГИЛЛИКЛАР

*Оилавий тадбиркорлик — бизнеснинг энг қулай шакли. Чунки бу бизнес орқали бутун оила аъзолари иш билан банд бўлиб, рўзғорга даромад келтиришга ҳар ким ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Бу бизнеснинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, оиладаги тўкинлик ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ҳам мустаҳкамлайди. Меҳнат қилиб даромад топишга ўрганган фарзандлар қалбида эзгу фазилатлар қарор топади.*



Президентимизнинг 2023 йил 31 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори орқали ушбу бизнес вакиллари учун янгича имтиёз ва енгилликлар яратилгани нур устига нур бўлди.

Хусусан, жорий йил давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун камида 13 триллион сўм маблағ йўналтирилгани ҳам катта эътибор ҳамда ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Албатта, бу маблағ ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар бўйича ҳам қўшимча қулайликлар яратилди. Яъни кредитлар устувор равишда дастурлар бўйича аввал кредитлардан фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилади. Хусусан, кредитдан фойдаланмаган оилаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Яна бир қулайлик шундан иборатки, тадбиркорларнинг маҳаллаларда ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳасини ва ҳунармандчиликни ҳамда аҳоли билан кооперация ва касаначиликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалари учун ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида ажратиладиган кредитлар миқдори амалдаги 225 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Бунда ташаббускор лойиҳада камида 30 фоиз улуш билан иштирок этиши лозим. Дастурлар доирасида илгари олган кредитларидан самарали фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган ва кредит тўловларини ўз вақтида амалга оширган кичик тадбиркорлик субъектларига фаолиятини янада кенгайтириши учун мазкур кредитлардан такроран фойдаланишга рухсат этилади.

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра кредит суммасининг 10 миллион сўмгача бўлган қисми (ҳунармандлар учун 20 миллион сўмгача) банк пластик карталарига ўтказиб берилади. 2023 йил 1 июндан аҳоли ва тадбиркорларга кредит ажратиш жараёнида қарз олувчини ID-картадаги (биометрик паспортдаги) биометрик маълумотлар асосида идентификация қилиш йўлга қўйилади.

Энг муҳими, юртимизда тадбиркорлик қилишга бел боғлаган фуқаролар учун барча қулайлик мавжуд. Ишбилармонларнинг, айниқса, оилавий тадбиркорларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани нафақат оила даромади ошиши ҳамда иш ўрнига эга бўлишни таъминлайди, балки мамлакат иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Зотан, тадбиркори кўп юртнинг тараққиёти ҳам юксак бўлади.

**Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



# ЙЎЛЛАР ҲОЛАТИ БУГУНГИ КУН АНДОЗАЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

*Йўллар равон ва текис бўлса, кўзланган манзилга бехавотир, кўнгил хотиржам ҳолда етиб борамиз. Кенг ва равон йўллар манзилимизни яқинлаштириб, хавфсизлигимизни таъминлашга хизмат қилади. Аммо бугун йўлларнинг ҳолати ўсиб бораётган транспорт воситаларининг тирбандликларсиз ҳаракатланишини таъминлашга жавоб беради, дея олмаймиз.*

## Фикр

Амалдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганига қарийб 9 йил бўлди. Ушбу ҳужжат нормалари ҳам ҳозирги замон талабларига, амалга оширилаётган ислоҳотларга тўла мос келмайди.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларда соҳада бир қатор муаммо ва камчиликлар юзага келаётгани, автомобиль йўлларида транспортлар ҳаракати жадаллик билан ўсиб бораётгани ҳам бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан, йўл инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида “Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тайёрлаш чоғида қўмитамиз ва ишчи гуруҳ томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун нормаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан ягона “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси доирасида бирлаштириш ғояси илгари сурилиб, келиб тушган таклифлар асосида маромига етказилди.

Шунингдек, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари чуқур ўрганилди. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг таклифлари кўриб чиқилиб, қўмита аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилган ҳолда жойларда соҳа вакиллари иштирокида қўшимча ўрганишлар ўтказилди.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг номини “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси этиб номлаш таклиф қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини обдан муҳокама этдик ва у қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйиладиган умумий талабларга, унинг самарадорлигини таъминлаш тадбирларига, асосий кўрсаткичларига ва техник воситаларига аниқлик киритилди.

Йўл ҳаракатини ташкил этишни ҳужжатлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар, йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш каби нормалар кўп йиллик тажриба ва илмий изланишлар асосида қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Шубҳасиз, мазкур қонун келгусида йўл ҳаракатини тартибга солишдаги асосий ҳужжат сифатида фойдаланилади ва йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича давлат бошқаруви ва ваколатли органлар ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш тизимлари яратилади.

Мухтасар айтганда, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, барча фойдаланувчиларга, жумладан, пиёдалар, велосипедчилар, йўловчиларга кенг қулайликлар яратишга хизмат қилади.

**Фарҳод АШМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЗАМОН ТАЛАБИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

← 1

Аммо мониторинглар жараёнида қонунда харид қилиш тартиб-таомилларининг фақат 2 та тури электрон шаклда бажарилиши белгиланганлиги, бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларнинг очиқланишига оид нормалар назарда тутилмагани, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари ушбу ҳужжатга мувофиқ тартибга солинмаганлиги, энг асосийси, давлат харидларини амалга оширишнинг муддатлари аксарият давлат буюртмачиларининг эътирозларига сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Мазкур масалалар юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида қонун қайта кўриб чиқилиб, 2021 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди. Унда давлат харидларининг барча тури, жумладан, тендер, энг яхши таклифларни танлаш, савдолар электрон шаклда амалга оширилиши белгилангани натижасида инсон омилининг қисқаришига эришилди. Айни чоғда давлат харидлари жараёнида янада шаффофликни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, шунингдек, коррупцион ҳолатларни бартараф этиш мақсадида бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотлар очиқланиши белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат — стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари ушбу қонунга мувофиқ харид тартиб-таомиллари асосида бажарилиши кўзда тутилди. Давлат харидларини амалга ошириш муддатлари қайта кўриб чиқилиб, қисқартирилиши туфайли давлат дастурларида белгиланган харидларни ўз вақтида уддалаш имконияти ошди.

Умуман, Сенат томонидан ўтказиб келинаётган мониторинг ва таҳлиллар амалдаги қонунчиликни замон руҳига мослаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис ҳам парламент юқори палатаси мазкур йўналишдаги фаолиятини изчиллик билан давом эттирмоқда.

**«Халқ сўзи».**



# АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ БОШ МАҚСАД БЎЛИШИ ЗАРУР

← 1

Фуқароларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш масалалари ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятлар келиб чиқишининг олдини олиш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, амалий ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, соҳада малакали кадрларни тайёрлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари белгиланяпти.

— Қонун лойиҳасида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини ҳамда текширувни амалга ошириш, гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилишга доир лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, улардан фойдаланиш қоидаларини аниқ белгилаш назарда тутилаётир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Бегматов. — Шу билан бирга, гидротехника иншоотларини бир йилда камида икки марта текширувдан ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳасидаги нормалар депутатлар берган таклифлар асосида маромига етказилаётган бўлса, айрим моддалар чиқариб ташланди. Хусусан, гидротехника иншоотларидан фойдаланувчилар ва мазкур иншоотларни қуришда пудрат ташкилотининг мажбуриятлари, гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар депутатлар берган таклифлар асосида маромига етказилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этаётир.

**«Халқ сўзи».**

# НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ЭМАС, ХАЛҚ ХИЗМАТИНИ АДО ЭТУВЧИ ОРГАНГА АЙЛАНДИ

***Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш — прокуратура органларининг бош мақсадига айланди, десак, муболаға эмас. Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган ғоялар, устувор йўналишлар асосида прокуратура тизими фуқароларни назорат қилувчи эмас, балки улар хизматида бўлувчи органга айлантирилди.***

## Прокуратура тизими

Фуқаролар прокуратура тимсолида ўз ҳуқуқларини ҳимояловчи, халқ манфаатларига хизмат қилувчи давлат органини кўра бошлади. Шуни таъкидлаш керакки, прокуратура ходимлари жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни хизмат бурчигина эмас, балки чин инсонийлик вазифаси ҳам деб билишади. Бунинг натижаси ўлароқ, одамлар ўз муаммолари тўғрисида ушбу соҳа ходимларига ишонч билан мурожаат этишяпти. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик ва ҳалолликни талаб қилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон янги даврдаги Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегиялари асосида узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган қатор долзарб масалаларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида қисқа муддатда амалга оширилган ислоҳотлар нафақат тизим вакиллари, балки жамият учун ҳам оғриқли нуқталарга айланган муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Қайд этиш ўринлики, соҳа фаолиятини олиб боришда асосий эътибор аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини сақлашга доир қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятларнинг олдини олишга қаратилди. Ва бу бежиз кетмади.

Айни пайтда прокурорлар секторлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, эҳтиёжмандларнинг муаммоларини ҳал этиш, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби кўплаб соҳаларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан аҳоли билан мулоқот қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маиший муаммоларини жойида ҳал этиш, мурожаатларда ўртага ташланган масалаларни синчковлик билан ўрганишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Биргина ўтган йил мобайнида Чирчиқ шаҳар 2-сектор ҳудудидаги ўндан ортиқ маҳаллаларда яшовчи 14 минг 181 та хонадоннинг оилавий шароити ўрганилиб, уларнинг муаммолари ҳал этилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган сайёр қабулларда фуқаролар, ёшлар ва тадбиркорлар иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, келиб тушган 150 га яқин мурожаатларнинг 85 таси ижобий ҳал қилинган бўлса, қолганларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Ушбу сектор ҳудудида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бандлигини таъминлашга ҳам эришилди. Жумладан, “темир дафтар” рўйхатига киритилган 783 та оиланинг деярли барчаси рўйхатдан чиқарилди, “аёллар дафтари”га учинчи босқичда рўйхатга киритилган 971 нафар аёлнинг 96,4 фоизига амалда ёрдам кўрсатилди. Уларни тегишли рўйхатдан чиқариш масаласи халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши сессиясида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.



Ёшлар ҳам доимий эътиборимизда. Маҳаллаларда ўтказилган спорт ва маданий тадбирларда 6 мингдан зиёд ёшлар қатнашди. Шунингдек, сектор раҳбари ташаббуси билан “Президент полвонлари, Барчиной қизлари!” шиори остида кураш мусобақалари ташкил этилди. Ёшлар ўртасида ўтказилган “Прокурор кубоги” учун минифутбол, волейбол мусобақалари ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. “Прокурор кубоги” учун хотин-қизлар ўртасида волейбол мусобақаларида маҳаллалардаги хотин-қизлар фаол қатнашмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. “Ҳаётимга ҳамроҳдир чолғу — 2022” шиори остида ўтказилган “Прокурор кубоги” кўрик-танлови тўртта йўналишда ташкил этилиб, ғолибларга сектор раҳбари томонидан доира, дутор, қашқар рубоби ҳамда турли миллий чолғу асбоблари туҳфа этилди. Ва бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

2-сектор раҳбари ташаббуси билан ҳомийлик маблағлари ҳисобидан хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, ҳудуддаги яроқсиз ҳолга келган ички йўлларнинг 3,3 км. қисми таъмирланди, ичимлик суви қувурлари тортилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига мактаб формалари тарқатилди. Кам таъминланган оилаларнинг хонадони ҳомийлик маблағлари ҳисобидан таъмирлаб берилди. Қисқа қилиб айтганда, кам таъминланган оилалар доимий эътиборимизда.

Ўтган йилдаги ишларни бу йил янада шижоат билан давом эттиряпмиз. Бунинг учун аниқ иш режамиз, мақсадларимиз ҳам бор. Биринчидан, жорий йилнинг ўтган даврида хатлов натижасида келиб тушган аҳоли мурожаатлари асосида 257 нафар фуқарога 6 млрд. 877 млн. сўмлик (чорвачилик, паррандачилик, хизмат кўрсатиш, меҳнат қуроллари ва иссиқхоналар ҳамда бошқа йўналишларда) кредит ажратилди. “Аёллар дафтари”да турган 26 нафар аёлга 606 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилиши таъминланди. Бугунги кунга қадар 41 млрд. сўмлик 11 та лойиҳа ишга туширилиб, 160 та иш ўрни очилди.

Эътиборлиси шундаки, бугун прокуратура ходимлари кабинетларда ўтириб ишламаяпти. Энди улар халқнинг ичига кириб боряпти, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларига қонуний ечим излаяпти. Демак, тизим фаолияти тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар жамиятимизда юз бераётган демократик жараёнларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Халқимизнинг прокуратура органларига бўлган ишончи тобора ортиб бораётгани ҳам шундан.

Яна бир муҳим жиҳат. Шифокорлар орасида “Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон” деган гап бор. Прокуратура соҳасида ҳам шундай. Жиноятчини жазолагандан кўра уни эгри йўлдан қайтариш муҳим ва жамият учун фойдалидир. Шу мақсадда фуқаролар, мактаб ва лицейларнинг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари, корхона ҳамда ташкилотлар жамоалари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари орқали қонунлар тарғиботига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Чунки биз учун ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида ватанпарварлик ҳамда адолат туйғусини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон, тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш барчамизнинг энг олий мақсадимиздир. Прокуратура органларининг ҳар бир ходими бу борадаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бундан буён ҳам эл-юрт манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилади.

**Хайрулла БЎРИЕВ,**
**Чирчиқ шаҳар прокурори.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БУРИЛИШ НУҚТАСИДА

◄1

## Барчаси ўзимизга боғлиқ ёки муносиб ҳаётга мустаҳкам замин

Ўзбекистон ҳам глобал иқтисодиётнинг бир бўлаги. Хўш, жаҳон иқтисодиётидаги турғунликнинг мамлакатимизга таъсири қандай бўлади? Бизда ўсиш кузатиладими? Жаҳон банки прогнозларига кўра глобал бўҳронларга қарамай Марказий Осиё ва Шарқий Европанинг айрим давлатларидагина иқтисодий ўсиш кузатилади. Хусусан, Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари 5 фоиздан кам бўлмайди.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида жаҳонда рўй бераётган ана шундай жараёнлар моҳиятини таҳлил қилар экан, афсуски, бундай хавф-хатарлар бизни ҳам четлаб ўтмаётганини қайд этди. Аммо халқимизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати, кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар туфайли ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Экспорт ҳажми 14 фоиз ўсиб, 19 миллиард долларни ташкил этди. Иқтисодиётга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди.



Ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсади устувор бўлиб қолмоқда. 2022 йил мамлакат тарихида илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага чиқди. Инфратузилмани яхшилаш, аҳолини узоқ йиллар қийнаб келган масалаларни ҳал қилишга катта маблағлар йўналтирилди. 2 миллиондан ортиқ кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам берилди. Ҳудудларда таълим ва тиббиёт масканлари, ичимлик суви тармоқлари, йўллар қурилмоқда.

Ўтган йилнинг 30 декабрь куни Президентимиз раислигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2023 йилдаги энг муҳим вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда саноатда 5 фоиздан, қишлоқ хўжалигида 3 фоиздан ва хизматлар соҳасида 14 фоиздан зиёд ўсишга эришиш мақсади белгиланди. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бизнес учун шароитларни яхшилаш ҳамда солиқ базасини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Аҳамиятлиси, 1 январдан қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобига тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилиги ислоҳ қилинади. Бу каби имкониятлар юртимизда тадбиркорлар сафи кенгайишига, уларнинг имкониятларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим масала: мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида катта салоҳиятга эга. Қолаверса, аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва деҳқончилик билан шуғулланади. Шу боис кейинги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоғи каби аграр секторда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Буларнинг самарасини ўтган йилнинг ўзида республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан кўп сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу эса қишин-ёзин аҳолини арзон ва ҳамёнбоп озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини берди.

Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида хавотир ва ташвишига сабаб бўлаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонлари аҳолига ажратилади. Бу қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади, дегани. Агар улар тадбиркорга айланса, тасаввур қиляпсизми, қанчадан-қанча одамлар ишли, даромадли бўлади. Бу саъй-ҳаракатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, минг-минглаб ёшларни тайинли ишга, яхши даромад манбаига эга бўлиш имкониятини яратади.

Эътиборлиси, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартиришга алоҳида урғу берилянти. Яъни туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантиришга янгича ёндашилиб, уларнинг мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 тоифага ажратилади. Тоифага қараб туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари белгиланади, тадбиркор учун субсидия, кредит ва компенсациялар ажратилади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, давлат томонидан берилаётган кўмак жойлардаги реал ҳолатдан келиб чиқиб йўналтирилса, унинг самараси катта бўлади. Шу билан бирга, назорат қилувчи ва рухсат берувчи муассасалар фаолияти қайта кўриб чиқилади, давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий этилади. Энг асосийси, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмуриятчилиги енгиллаштирилади.

## Янги босқич: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар

Инвестиция иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланади. Чиндан ҳам, унингсиз ривожланиш, тараққиёт бўлмайди. Ҳар қандай истиқболли лойиҳалар ижроси маблағга бориб тақалади. Шу боис Мурожаатноманинг якунловчи олтинчи йўналиши айнан шу масалага бағишлангани айни муддао. Унга кўра, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий сармояларни кўпайтириш учун шароитлар янада яхшиланиб, жозибали инвестиция муҳити яратилади. Шундан келиб чиқиб, марра ҳам баланд олинмоқда. Жорий йил иқтисодиётга 30 миллиард доллар сармоя, жумладан, 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар жалб қилинади. Натижада қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилади, 40 та янги йирик лойиҳа устида иш бошланади.

Аёнки, мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли бандлигини таъминлашда саноат тармоқлари катта ўрин тутади. Шунинг учун сўнгги йилларда юртимизда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зоналари ташкил этилди. Тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни драйверга айлантириш учун 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари уч баробар кўпайтирилиб, 600 дан зиёд янги конлар аниқланди. Натижада охирги беш йилда саноат корхоналари сони икки баробар кўпайиб, 100 мингга етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар кўпайди. Бу ҳудудлар ривожига ижобий таъсир қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан республикамизнинг барча ҳудудида саноатни ривожлантириш, иқтисодиётни кўтариш учун қўшимча равишда яна қатор имкониятлар тақдим этилмоқда. Энг аввало, банк нормативлари қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча 55 триллион сўм ресурслар таъминланади. Бу битта туманда ўртача 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча манба, дегани.

Иккинчи имконият — 2023 йилда саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилади.

Учинчи имконият — жорий йилдан бошлаб, иқтисодий ривожланиши орқада бўлган тўртинчи ва бешинчи тоифадаги 60 та туманга 27 турдаги солиқ имтиёзи, субсидия ва преференциялар берилганидир.

Тўртинчи имконият — гиламчилик, уй текстили, чарм ва заргарлик тармоқлари учун тақдим этилаётган енгилликлар. Унга кўра, 2023 йилда тўқимачилик лойиҳаларига қўшимча 300 миллион доллар йўналтирилади.

Буларнинг самараси узоқ куттирмайди, албатта. Яқин истиқболда ҳудудларнинг саноат салоҳияти ортиб, иқтисодиётимиз ривожи янада жадаллашади, экспорт имконияти тубдан кенгаяди. Таъбир жоиз бўлса, янги Ўзбекистон рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган саноат марказига айланади. Ўтган йили 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорга чиққан бўлса, ушбу рақам йил сайин ортиб бораверади. Бинобарин, жорий йилда экспорт ҳажми тарихда биринчи марта 23 миллиард доллардан ошиши, тўқимачилик, электр техникаси, чарм пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспорти камида икки баробар ўсиши кутилмоқда.

Хуллас, янги Ўзбекистон 2023 йилда ҳам бардавом ўсишда давом этади. Бунинг учун эса мустаҳкам пойдевор қурилган. Яъни Ўзбекистонда 2017 йилдан эътиборан Ҳаракатлар стратегиясида, кейинчалик Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, ривожланган ҳамкор давлатлар ва халқаро молия институтлари билан муносабатлардаги ёндашув ўзгартирилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланаётган шароитда, мамлакатда олиб борилаётган макроиқтисодий, шу жумладан, пул-кредит сиёсати ва банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни, хусусан, хорижий инвесторлар, халқаро рейтинг компаниялари ҳамда молиявий ташкилотларни хабардор қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу жиҳатдан, ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банк томонидан макроиқтисодий кўрсаткичлар, Давлат бюджети ижроси, пул муомаласи ва олтин-валюта захиралари ҳолати тўғрисидаги барча статистик ва таҳлилий маълумотларни доимий равишда очиқ чоп этиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси экспертлари томонидан бюджет ошкоралигини баҳолаш, давлат молия статистикасини тузиш сифати ва давлат сектори маълумотларининг аниқлигини баҳолаш бўйича ўрганишлар ўтказилди ва 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда илк бор "Фуқаролар учун бюджет" ахборот нашри чоп этилди, бюджет жараёнининг барча босқичи электрон сайтларда эълон қилиб бориладиган бўлди. Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий позиция чораклик статистикаси Халқаро валюта жамғармаси стандартларига мувофиқ ҳар чоракда Марказий банк веб-сайтида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларни тарқатиш тизимларида жойлаштириб борилмоқда.

2019 йилда Халқаро валюта жамғармасининг асосий статистик маълумотлар платформаси — Халқаро молиявий статистика тизимида Ўзбекистон Республикасининг саҳифаси очилди. Натижада дунё ҳамжамияти, халқаро ташкилот ва молиявий институтларнинг Ўзбекистонга муносабати ўзгариб, олиб борилаётган ислоҳотлар эътироф этилди. 2020 йилда Ўзбекистон Open Data Inventory (ODIN) — Очиқ маълумотлар рейтингида 63 балл тўплаб, жаҳон бўйича 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади. Очиқ маълумотлар рейтингида Ўзбекистон Осиё давлатлари орасида энг катта ўсиш кузатилган мамлакат бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича биратўла 125 позицияга юқорилади.

> Жаҳон банки прогнозларига кўра глобал бўҳронларга қарамай Марказий Осиё ва Шарқий Европанинг айрим давлатларидагина иқтисодий ўсиш кузатилади. Хусусан, Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари 5 фоиздан кам бўлмайди.

## Халқаро ҳамжамият эътирофи — бардавом ислоҳотлар ифодаси

Мамлакатда 2016 йил охириданоқ халқаро молиявий институтлар билан тўлақонли муносабатлар тикланишига киришилди. Хусусан, шу йили Франция ривожланиш агентлиги ўзининг Ўзбекистондаги биринчи лойиҳасини амалга оширишга киришди. Шунингдек, Ўзбекистон янги тузилган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. 2017-2018 йилларда мамлакатда банк-молия соҳасида кескин бурилишларга сабаб бўлган ислоҳотлар, хусусан, валюта бозорини либераллаштириш, молия бозорларини ҳамда ички пул ва валюта бозорларини ривожлантириш, пул-кредит сиёсатини, шу жумладан, унинг инструментларини такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бунда, асосан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ҳамда бошқа халқаро молиявий институтлар ва ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилинди.

2018 йилда халқаро суверен рейтингни олиш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида "Standard and Poor's", "Moody's", "Fitch", "JP Morgan and Chase" каби халқаро молия институтлари ва рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2018 йилнинг октябрь ойида биринчи бор Ўзбекистон суверен кредит рейтингини олди ва "Fitch Ratings" ташкилоти "Ўзбекистон макроиқтисодий барқарорлик ва ўсиш истиқболларини яхшилашга, шунингдек, давлат томонидан катта даражада назорат қилинадиган иқтисодиётда институционал ва бошқарувдаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган улкан ва кенг қамровли ислоҳотлар дастурини амалга оширишга киришди" дея эътироф этди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг илк халқаро евро облигациялари Лондон биржасида жойлаштирилди ва бу билан республиканинг халқаро молиявий бозорга кириб келиши таъминланди. Лондон шаҳрида нуфузли "Global Capital" нашриёти томонидан ўтказилган "Bond Awards 2019" тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) минтақасининг халқаро облигациялар чиқариш бўйича энг яхши эмитентлари қаторидан жой олди.

2020 йилнинг 19 ноябрь куни Молия вазирлиги томонидан умумий ҳажми 750 миллион доллар миқдоридаги суверен халқаро облигациялар икки траншда 10 йиллик муддат билан 555 миллион долларда ва 3 йиллик муддат билан илк бора миллий валюта — ўзбек сўмида 2 триллион сўм миқдорида Лондон қимматбаҳо қоғозлари бозорида (London Stock Exchange) муваффақиятли жойлаштирилди. Бу каби ўзгаришлар, яъни Ўзбекистоннинг дунёга очилиши ва халқаро ҳамкорлик кучайтирилиши ҳамда олиб борилган ислоҳотлар халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатга нисбатан муносабати ва ишончи ортишига сабаб бўлди. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистон биринчи марта Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)нинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари бўйича меъёрий чекловлар индексига киритилди ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун иқтисодиётнинг очиқлиги бўйича Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллади. 2017 — 2022 йилларда бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

Кейинги олти йилда ташқи савдо соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш каби йўналишларда муҳим ўзгаришлар юз берди. Хусусан, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини фаоллаштириш доирасида ташқи савдо режимини либераллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кенгайтирилмоқда. Ташқи савдо фаолиятида савдони либераллаштириш ва республика экспорт салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш натижасида ўзгаришлар юз берди. Хусусан, экспорт қилинадиган барча товар ва хизматлар учун божхона тўловлари бекор қилинди, лицензиялаш ва экспорт тизими соддалаштирилди. Товарларнинг 60 фоиздан ортиқ турлари учун божхона тўловларининг "ноль" даражаси белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистонда божхона тўлови ставкаси 6,45 фоизгача пасайтирилди. Ташқи савдони янада эркинлаштириш, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган маҳсулотлар экспортининг номенклатурасини ошириш учун шароит яратилди. Масалан, экспортни рағбатлантириш мақсадида маҳсулотлар учун олдиндан тўлов тартиби бартараф этилди ва кафиллик мажбуриятисиз ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш тизими яратилди. Айни чоғда, эскирган лицензиялаш тартиб-таомиллари бекор қилинди, экспортчилар учун солиқ имтиёзлари кенгайтирилди. Экспорт шартномалари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзларини ҳисоблашнинг ягона муддати 120 кунгача узайтирилди. Шунингдек, тадбиркорлар учун божхона назорати остида бир қатор қулайликлар яратилди.

Ташқи савдонинг либераллаштирилиши натижасида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ошди. 2018 йилдан бошлаб амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларининг асосий мақсадлари мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвесторлар учун қулай шароитлар яратишдан иборат бўлди. Солиқ соҳасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида республикада солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси билан бошланган янги босқичдаги туб ислоҳотлар бугунги кунга келиб ўзининг самарасини бермоқда. Буни юқорида айрим соҳалардаги ислоҳотлар ва уларнинг натижалари мисолида шарҳлаб ўтдик. Мазкур ютуқлар жамиятда амалга оширилаётган стратегиянинг пировард муваффақияти ва унинг тўлиқ уддаланишига ва истиқболда мамлакатнинг иқтисодий барқарор ўсишига бўлган ишончни шакллантирмоқда. Бунга мамлакат иқтисодий ўсиши бўйича халқаро ташкилот ва молиявий институтларнинг прогнозлари ҳамоҳанг бўлмоқда.

Хусусан, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси 2023 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизга, "Fitch Solutions" рейтинг агентлиги эса 5,1 фоизга ўсишини прогноз қилмоқда. 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Фискал стратегиясига мувофиқ эса иқтисодий ўсиш 2021 йилда 5,1 фоиз, 2022 йилда 5,8 фоиз, 2023 йилда эса 5,4 фоиз ўсишга қаратилган чоралар белгиланган. Шунингдек, ялпи ички маҳсулот ҳажмини келгуси беш йил ичида 100 миллиард долларга етказиш бўйича юқори ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, саноат тармоқлари, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида янада истиқболли марралар белгиланган.

**Мансур МАНСУРОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Корпоратив бошқарув кафедраси мудири (PhD), доцент.**

# ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИДА ҲАМ ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

*Фарғона шаҳрида тадбиркор Фахриддин Илёсов ташаббуси билан экспортбоп меваларни қуритиш, саноат усулида қайта ишлаш ва транспорт-логистика корхоналари фаолияти йўлга қўйилган.*

### Изланиш

Айни пайтда ишбилармон юртдошимиз томонидан бир гектар ерда гидропоника усулида иссиқхона ташкил этилиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам қулупнай етиштирилмоқда. Шу мақсадда Туркиядан 145 минг туп қулпнай кўчатлари олиб келиниб, ҳар йили 70 тонна ҳосил олиш режалаштирилган.

Ҳозирда туркиялик ва маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда шу ернинг ўзида сифатли қулупнай кўчатлари етиштириш учун илмий изланишлар олиб борилянти. Бунинг учун АҚШнинг "Фестиваль", Испаниянинг "Сабрина" қулупнай навлари танланган.

— Бу навлар доимий эътибор, парвариш талаб қилсада, серҳосил ҳисобланди. Энг муҳими, узоқ масофага ташишга яроқли ва экспортбоп, — дейди Фахриддин Илёсов. — Иссиқхонага ёндош ҳудудда 200 тонна сиғимга эга замонавий мева-сабзавот сақлаш омбори барпо этилган бўлиб, айни қиш фаслида ҳам ички бозорга ҳар куни ўртача 50 килограмм қулупнай етказиб берилмоқда.



**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# НУРОБОДДА ЯНГИ ФИЛИАЛ ОЧИЛДИ

*Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Меҳнаткаш маҳалласида Давлат хизматлари марказининг навбатдаги филиали фойдаланишга топширилди. Бу вилоят миқёсида тўққизинчи филиал ҳисобланади.*

### Қулайлик

Қайд этиш керак, Нуробод тумани вилоят марказидан 65 километр узоқликда жойлашган. Меҳнаткаш маҳалласини эса туман Давлат хизматлари марказидан 52 километр масофа ажратиб туради.

Марказнинг тантанали очилишида сўзга чиққанлар Меҳнаткаш, Элбек, Оқсой, Сазаған ҳамда Сарикул маҳаллалари аҳолиси, аниқроқ айтганда, 16 минг нафардан зиёд фуқаро эндиликда шу ернинг ўзида юздан ортиқ турдаги давлат хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлганини таъкидлади.

Филиалда ташриф буюрувчилар учун барча қулайлик яратилган. Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг 8 та ҳудудида Давлат хизматлари маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили ушбу марказлар орқали бир миллиондан ортиқ фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилган.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Ҳамкорлик

# «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ АВТОМАКТАБИДА АФҒОНИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ЎҚИТИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Термиз автомобиль мактабида 46 нафар афғонистонлик фуқаро "Б" тоифа бўйича ўқитилди.*

Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси асосида ўқиган хорижликларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

"Ватанпарвар" ташкилоти Матбуот хизмати томонидан маълум қилинишича, тадбирда иштирок этган Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Шарлотта Адриан ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Матильда Димовска, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги вакиллари ушбу амалиёт Афғонистондаги қайта тиклаш ишларига кўрсатилаётган ёрдамлардан бири эканлигини, Ўзбекистонда яна кўплаб афғонистонликларни турли касбларга тайёрлаш ишлари давом эттирилишини билдирдилар. Айни чоғда, Шарлотта Адриан ўзбекистонлик мутасаддиларга келгусида афғонистонлик аёлларни "ҳамширалик иши" бўйича ўқитиш таклифини илгари сурди.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси ҳозирда оғир вазиятни бошидан кечираётган Афғонистон фуқароларини касбга тайёрлаш борасида алоҳида намуна кўрсатаётган "Ватанпарвар" ташкилотининг саъй-ҳаракатларини эътироф этди.

*Маълумот ўрнида айтиш жоиз, юқоридаги лойиҳа асосида Термиз туманидаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида яна 35 нафар афғонистонлик тикувчилик касбига тайёрланди.*

**«Халқ сўзи».**

### Инвестиция

# БУХОРОДА ЎН МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНДА ИССИҚХОНА БАРПО ЭТИЛАДИ

*"Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонасида эронлик тадбиркорлар томонидан жами ўн минг гектар саҳнни эгаллайдиган иссиқхоналар барпо қилинади. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ана шундай ҳамкорлик концепцияси имзоланган эди.*

Маълумотларга қараганда, эронлик ишбилармонлар "ақлли", яъни тамоман инновацион технологияларга асосланган иссиқхоналар қуришади. Бу эса, табиийки, ўзаро ҳамкорликда, бамаслаҳат ишлашни тақозо этади. Эрон Ислом Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги шаҳарчалари компанияси бошқарув кенгаши раиси ва бош директори Алиризо Бузургий раҳбарлигидаги делегация аъзолари шу мақсадда Бухорода бўлиб турибди.

Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов бошчилигидаги масъуллар билан мулоқот чоғида меҳмонларга "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонаси, бу ҳудудда бизнес юритиш учун яратилган қулайликлар, иссиқхоналар ташкил этиш борасида тўпланган тажриба ҳақида сўзлаб берилди. Режалаштирилган истиқболли лойиҳалар, шунингдек, инфратузилмани такомиллаштиришга хизмат қилувчи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳақида ҳам сўз борди. Амалий ҳаракатларга киришиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашувдан сўнг меҳмонлар эркин иқтисодий зонада фаолият кўрсатаётган иссиқхоналар фаолияти билан танишишди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонаси мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қуритиш, экспортга йўналтириш каби мақсадлар кўзда тутилган бу иқтисодий зона учун Ромитан, Пешку, Бухоро, Когон ва Жондор туманларидан ер майдонлари ажратилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Мушоҳада**

***Мамлакатимизда ҳар йили минглаб йигит-қизлар мактабни тамомлаб, “Ким бўлсам экан?” деган саволга жавоб излайди. Дарҳақиқат, ким бўлиш, қандай касбни танлаш, нимани ўрганиш инсоннинг бутун онгли умрини, ҳаётнинг мазмунини ва жамиятдаги ўрнини белгилайдиган муҳим масала ҳисобланади. Бу масала янгиланаётган Ўзбекистон ёшларини касбга тўғри йўналтириш, уларнинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш ва меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.***

***Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу — ёшларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат”, эканини таъкидлади.***



# КАСБ-ҲУНАР ЭГАСИ – ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ



Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича тўрт мингдан ортиқ касблар мавжуд. Хўш, касб ўзи нима? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Касб” сўзининг этимологияси арабча бўлиб, луғавий маъноси “Иш фаолиятининг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган тури, соҳаси; ҳунар”, дея изоҳланган. “Мутахассис” сўзи ҳам арабча бўлиб, “бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси”, деган маънони билдиради.

Демак, ҳар бир одам ўз касб-корига, мутахассислиги бўйича махсус билим ва тажрибага эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, бу сифатлар яхши хулқ-одоб ва бошқа кўплаб юксак инсоний фазилатлар билан безатилмоғи ҳам зарур.

Таъкидлаш жоизки, навқирон авлоднинг мактабни тамомлаб, олий ўқув юртига ўқишга киргани ҳали муайян касбнинг эгаси бўлди, дегани эмас. Талаба ўзи танлаган мутахассислик бўйича энг зарур билимларни пухта эгаллаб, уларни ҳаётга татбиқ қила олиш кўникмасига эга бўлган тақдирдагина жамиятимиз яна бир касб-корли инсон билан бойийди.

Афсуски, талабаларимиз орасида танлаган касбига умуман қизиқиши бўлмаган, ота-онасининг хоҳиш-истаги, фарзандининг “келажагини ўйлаб”, қандай бўлса-да, олий маълумотли қилиш, кейинчалик эса ишга жойлаб қўйиш борасидаги панд-насиҳатлари оқибатида ўқиётганлари ҳам учраб туради.

Аниқроқ айтганда, бундайлар ўзининг қобилияти, қизиқиши бўйича яшаб, ўқимасдан, ўртача инсон умрининг тўртдан бир қисмини, энг гўзал, бетакрор ва беқиёс, ҳақиқий келажак учун замин яратадиган даврини, “келажакка тайёрланиш”га сарфлайди. Бу тоифа ёшлар бутун ҳаётини ота-онасининг тайёр “рецепти”, “орзу-ҳаваси” бўйича қуради. Улар учун олий маълумот тўғрисидаги диплом малакали мутахассисликни билдирмасдан, “карьера” қилиш учун восита бўлиб хизмат қилади. Бундайлар кўпинча “шохдан-шохга сакраб”, ҳар қандай “хасга ёпишиб” бўлса ҳам, лавозимга эришиш ва уни сақлаб қолишга ҳаракат қилади ва бу жараён шундай узоқ чўзилиши мумкинки, охир-оқибатда мутлақо касбга яроқсиз бўлиб қолинади. Натижада, “юқори”да ишонган одами бўлиши ва кўп пул топиш асосий яшаш қоидаси ҳамда турмуш тарзига айланади. Энг ёмони, бундай тоифалар раҳбарлик лавозимини эгалласа, бу қўл остидагилар ва атрофдагилар учун ҳам фожиага айланиши мумкин.

“Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг” дейилган ҳадисда. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам аввал илм эгаллаган, юксак маданиятли, ўзининг касб-корини мукаммал билган, ҳаётий тажрибага эга, яъни халқ тилида айтганда, оқу қорани кўрган одамлар раҳбар бўлган жамоа ҳамиша барқарор ривожланган.

Шунингдек, ҳеч бир касбнинг бошини тутмаган, устоз кўрмаган, илму ҳунар юқтирмаган бошқа тоифалар эса ҳаёт тўлқини қайси қирғоққа чиқариб ташласа, шу жойда тирикчилик учун восита излайди.

...Рўзғор эҳтиёжлари учун бозорга тушган эдим. Зарур нарсаларни харид қилиб, уйга қайтиш учун бекатга яқинлашганимда ёши 25 — 30 лар орасидаги икки йигит — бири бор овози билан хириллаб, “Қўйлиқ, Қўйлиқ...”, деб, иккинчиси “Юнусобод, Юнусобод...”, деб бақириб, таксичиларга мижоз тўплаб берар эди. Орада улар ҳар хил бачкана сўзлар билан бир-бирига ҳазил қилар, қанча “соққа” ишлагани ва ҳоказо тўғрисида гаплашиб олар ва яна ўша хирилдоқ овоз билан ўз “фаолият”ларини давом эттирарди.

Мен уйимизга элтадиган “маршрутка”га улгура олмай, бекатда кейингисини кутишимга тўғри келди. Шу орада “клиентчи” (бу “касб”га бошқа ном топа олмадим) мени гапга солиб, касб-корим тўғрисида сўради. “Университетда домламан, илмий иш билан ҳам шуғулланаман”, деб, қисқа жавоб бердим. У яна ўша хирилдоқ овози билан “Ҳа, ҳа, ҳа... домлачилик зўр-а, илмийчилик ҳам зўр, “соққаси” яхши бўлса керак-а? Биз ҳам институтни тугатганмиз, заочный, мана, тирикчилик қилиб юрибмиз...” деб пойинтар-сойинтар сўзлай кетди. Шу орада кутган автоулов келиб, унга чиқдим ва йўлда уйга толдим. Эрталабдан кечгача бор овози билан ҳайдовчиларга йўловчи тўплаб, тирикчилик эҳтиёжини қондириш, еб-ичишга пул топиш йўлида юрган бу олий маълумотли “клиентчи”нинг устозлик, илмий ишдек ўта сермашаққат ва айни вақтда хайрли касбни осон ва жўнгина изоҳлашига унинг дунёқараши, бирор-бир тайинли касби, ҳунари йўқлиги, албатта, биринчи навбатда, унинг тарбияси, турмуш тарзи сабаб бўлса керак...

> *Навқирон авлоднинг мактабни тамомлаб, олий ўқув юртига ўқишга киргани ҳали муайян касбнинг эгаси бўлди, дегани эмас. Талаба ўзи танлаган мутахассислик бўйича энг зарур билимларни пухта эгаллаб, уларни ҳаётга татбиқ қила олиш кўникмасига эга бўлган тақдирдагина жамиятимиз яна бир касб-корли инсон билан бойийди.*

Ҳозирги бозор иқтисодиёти деб аталмиш даврда “касб”, “ҳунар” ва “малака” тушунчалари билан фақат ўз манфаати йўлида қандай бўлмасин, пул топишга қаратилган фаолият ўртасидаги тафовутлар сезиларли даражада йўқолган. Айрим ёшлар, ҳатто аниқ бир ихтисослик бўйича олий маълумотлилари ҳам, йиллаб ўзига мос иш излаб, фаолият турини тез-тез ўзгартириб юради. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси ҳам ҳақиқий ҳунар, касб эгасига, ҳақиқий мутахассис, уста, ўз касбининг “пири”га айлана олмайди. Афсуски, енгил ҳаётга ўрганиб, вақтида “ўйнаб қолиш”ни, диплом бўлса бўлди, қолгани “қўллаб-қувватлаш”га боғлиқ деб, оқим бўйича сузадиган, машғулотини, буюмларини ва ҳатто ўз дўстларини ҳам тез-тез ўзгартириб турадиганлар тоифаси ҳам учрайди. Бундайлар кўпроқ моддий таъминланган, уларда ҳамма нарса бор, фақат жамиятга ва атрофдагиларга нафи тегадиган, ўзига эса ҳурмат-эътибор келтирадиган касби-кор, илму-ҳунар етишмайди!

Шунинг учун касб танлашда ёшларнинг қобилияти, қизиқиши, оилада ва мактабда уларнинг бу борада тўғри йўналишга солиниши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ёшлар касбларнинг минглаб турлари тўғрисида ҳеч бўлмаганда умумий тасаввурга эга бўлганидагина касб танлашда адашмасликлари мумкин.

Психологлар аниқлашича, барча касблар меҳнат предмети бўйича учта гуруҳга бўлинади. Масалан, жонсиз нарсалар билан боғлиқ касблар гуруҳи: муҳандис, геолог, гидролог, метеоролог; жонли табиат билан алоқадор касблар: биолог, ўрмончи, селекционер, генетик ва бошқалар; учинчи гуруҳга меҳнат предметлари ҳар хил ахборотлар, белгилар ва сигналлар билан боғлиқ касблар киради. Масалан, сунъий интеллект, робототехник, ЭҲМ оператори, дастурловчи, диспетчер ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда долзарб соҳага айланаётган — эксперт-бухгалтер касби айнан мана шу сўнгги, учинчи гуруҳга мансуб бўлиб, бу касб эгаларида диққат-эътибор, хотира ва изчил фикрлаш қобилияти ривожланган бўлиши зарур. Бундай хусусиятлар эса мунтазам равишда шуғулланиш билан ривожланиб боради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, эксперт-бухгалтерлик жудаям қадимий ва мураккаб касб, аммо уни эгаллаш учун тарихий манбалар (қўлёзмалар)ни ўрганиш билан бирга, салоҳиятни мунтазам бойитиш, замонавий билимларни эгаллаш, амалиётда бевосита шу касб билан шуғулланиш, рақамли технологияларни ўзлаштириш зарур. Баъзилар бу касб бўйича олий маълумотга эга бўлганидан сўнг амалиётда ишлашга журъат қила олмайди, илмий назариясини мукаммал ўрганмаган иккинчи бир тоифалари эса амалиётда бирон-бир “оралиқ иш”ни ёки ишнинг “бир бўлаги”ни ўрганиб олиб, уларни назария билан боғлай олмасдан, яъни эксперт-бухгалтер касбини бир бутун яхлит тизим сифатида тушуниб етмасдан, “назария бошқа, амалиёт бошқа” ёки “ўқиш бошқа, иш бошқа экан” қабилидаги сийқаси чиққан қоидани такрорлаб юради. Фақат назария билан шуғулланиб, китобий илмда маълум даражага эришган учинчи бир тоифа кишилар амалиётда оддий ҳисобчиликни ҳам бажара олмаслиги мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, француз ёзувчиси ва файласуфи Мишель де Монтень таъкидлаганидек, “Китобий олимлик зийнат, аммо у пойдевор эмас”. Шунинг учун ҳақиқий малакали эксперт-бухгалтер касбини эгаллаш бухгалтерия ҳисобининг назариясини ҳам, методологиясини ҳам, амалиётини ҳам мукаммал ва ҳуқуқ тармоқлари (фуқаролик, меҳнат, иқтисодий ва бошқалар.) билан ўзаро боғлиқликда билишни тақозо этади.

Мухтасар айтганда, ҳар бир одам касбни қобилияти ва қизиқишига қараб танлаб, уни эгаллаганидан сўнг тўхтовсиз такомилликка интилса, моҳирона бажарса ва бошқаларга ҳам ўргата олса, бу касб унинг яшаш тарзи ва ҳаёт мазмунига айланади. Ниҳоят, бутун умри давомида кимларгадир тобе бўлмасдан, касби орқали ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини таъминлайди ҳамда бошқаларга ҳам нафи тегади. Бундай касб инсон руҳиятига сингиб, унинг маънавиятига айланади. Маънавиятли одамлар эса ҳар қандай жамиятнинг энг катта бойлигидир.

**Ражаббой ДЎСТМУРАТОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**

**Инсон қадри**

# ҚАРИЙБ ЭЛЛИК ЙИЛЛИК МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

*Мутахассисларнинг таъкидлашича, она сайёрамизда аҳолининг қирқ фоизга яқини сув танқислигидан азият чекмоқда, бешдан бир қисми эса зарур инфраструктуранинг мавжуд эмаслиги туфайли ичимлик суви таъминоти муаммоси билан яшамоқда.*

Ўтган йилнинг бошида Навоий вилояти аҳолисининг ҳам саккиз фоиздан ортиқроғи улар қаторида бўлиб, қарийб 75 минг кишининг сув таъминотидаги узоқ йиллик орзулари рўёбга чиқмай келаётган эди. Бошқачароқ айтсак, вилоятда 2022 йилда барча манбалар ҳисобидан ажратилган 56,6 млрд. сўм маблағ эвазига 332 км. ичимлик суви тармоқлари тортилиб, 18 дона ичимлик суви иншоотини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 68,2 фоиздан 76 фоизга етказилди.

— Ўтган йили вилоятимизнинг Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор ва Нурота туманларидаги марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган 24 та қишлоқ кўчаларига маҳаллий бюджетдан ажратилган 2 853 млн. сўм маблағ эвазига жами 58,5 км. узунликдаги янги қувурлар тортилди, — дейди “Навоий сув таъминоти” МЧЖ матбуот хизмати раҳбари Лобар Дўстова. — Натижада давлат дастурларига қўшимча равишда 10 мингдан зиёд аҳолини илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминлашга эришилди. Энг муҳими, фуқароларнинг мурожаатлари асосида жамиятимиз томонидан 16,3 км. қувурлар ётқизилиб, олис ҳудудлардаги аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Вилоятнинг Томди тумани “Томдибулоқ” ОФЙдаги Эски Томди ва Роҳат овуллари марказдан 300 километр олисда жойлашган. Ушбу ҳудудларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳукумат қарори 1975 йилда қабул қилинган бўлса-да, қарийб эллик йил турли важ билан пайсалга солиб келинди.

— Қарор қабул қилингани билан аввалига маблағ ажратилмади, — дея эслайди томдилик меҳнат фахрийси Жарилқасин Асубаев. — Кейин сув ресурси йўқ, деб жавоб беришди. Мана, фақат бугунга келибгина пул ҳам, сув ҳам топилди.

Томдининг мазкур овулларига умумий узунлиги 29,8 км. янги ичимлик суви қувурлари тортилиб, ушбу ишларни амалга ошириш учун республика бюджетидан 6 265,2 млн. сўм маблағлар йўналтирилди.

— Вилоятимизда 2023 йилда барча манбалар ҳисобидан ажратилган 212,6 млрд. сўм маблағ ҳисобидан жами 774 км. ичимлик суви тармоқлари, 27 дона ичимлик суви иншооти қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган, — дейди “Навоий сув таъминоти” МЧЖ раҳбари Отабек Зарипов. — Натижада йил якуни билан аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 76 фоиздан 81 фоизга етказилади ҳамда 101,1 минг аҳоли хонадонларида илк бор сув чиқа бошласа, 24 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланади.

Жорий йилда вилоятда халқаро молия институтлари иштирокидаги йирик лойиҳага қўл урилади. Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги “Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Навоий вилояти Кармана туманида оқова сув тизимларини қуриш” ҳамда “Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ва Китоб тумани марказида оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Карманада қиймати 30,79 млн. еврога тенг лойиҳа ишларига старт берилади.

— Ушбу лойиҳа доирасида 2022 йил давомида барча ташкилий масалалар ҳал этилиб, қарз маблағларини қайта кредитлаш битими имзоланди, — дейди О. Зарипов. — Эндиликда шу йилнинг август ойига қадар қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа доирасида Кармана туманида 117,2 км. оқова сув тизимини, 21,3 км. босимли коллекторлар, 12 та насос станцияси ҳамда 9 800 м³/сутка қувватли битта оқова сув тозалаш иншоотини қуриш кўзда тутилган.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «ГАР НАВОИЙДИН АДО СЎЗИНИ ЎТКАРСА...»

**Ўзбек адабиётшунослигида XIX аср аввали Қўқон саройи адабий муҳитида ижод қилган Адонинг қуйидаги байти жуда машҳур:**

***Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,***
***Шоҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайни Бойқаро.***
**(Агар Адо сўзда (шеърда) Навоийдан ўзиб кетса, нима қилибди, (Ахир) шоҳ Умархон зўрми ёки Султон Ҳусайн Бойқаро.)**

**Тадқиқот**

Шу чоққача адабиёт тарихи китобларида мазкур байт Қўқондаги феодал сарой муҳити вакили Султонхон Тўра Адонинг мақтанчоқлиги, ўзини Алишер Навоийдан устун қўйиши сифатида баҳоланган. Ҳазрат Навоийдек шоирдан Адонинг ўзини зўрроқ ҳисоблаб, Қўқон хони Умархонни (1810 — 1822) Ҳусайн Бойқародан кўра афзалроқ санаяпти, деган тарзда талқин қилинган. Мазкур ҳолат Алишер Навоийга нисбатан ҳурматсизлик ва беписандлик сифатида баҳоланган. Шаклан олиб қараганда шундай.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мазкур байтни мусулмон Шарқи шеъриятида тарқалган фахрия усули, деб аташ мумкин. Унга кўра, ижодкор ўз шеърий маҳоратини кўрсатиш учун ўзини мақтайди (бугунги ибора билан айтганда, реклама қилади). Бундай ёзишувда Адо байтига қўйилган “айб” анча юмшайди. Лекин гап фақат фахрия усулида эмас. Кузатишлар адабиётга синфийлик мезонида ёндашиш хос бўлган собиқ иттифоқ даврида сарой-аристократ адабиёти намунаси сифатида таърифланган мазкур байтдан бошқа катта, маданий-сиёсий мақсад кўзланганини кўрсатяпти.

Мазкур байт Умархоннинг буйруғи билан 1821 йили тузилган, Қўқон сарой муҳитидаги 70 дан ортиқ шоирлар шеърларини ўз ичига олган “Мажмуаи шоирон” тўпламида келтирилади. Ушбу мажмуада унинг тузувчиларидан бири Фазлийнинг қуйидаги фахрияси ҳам бор:

*Манам Фазлий номвар дар замон,*
*Низомий аср худам дур сухан.*
*Ба гуфтор дорам зи Жомийнишон,*
*Ба ашъори туркий Навоий баён.*

(Мен замонанинг шуҳрат топган Фазлийсиман, Сўзда ўз асримнинг Низомийсиман, Шеърда Жомийдек шоирман, ўзбекча шеърлар ёзишда эса Навоийман.)

Демак, ўзининг Шарқ адабиёти забардаст вакилларидан қолишмайдиган шоир эканлигини таъкидлаш, ўзбек шеъриятида Навоийдекман, Низомийдекман ёки форсийча шеърда Жомийдекман дейиш Қўқон адабий муҳитида учраб турадиган ҳодиса бўлиб чиқяпти. Бундай мисолларни “Мажмуаи шоирон”дан яна топиш мумкин. Хўш, нега шундай? Адо ёки Фазлийнинг Ҳусайн Бойқаро даври шоирларидан қолишмасликлари ҳақидаги таъкидлари тасодифми ёки муайян мақсадга қаратилган ҳаракат маҳсулими?

2003 йили Париждаги Франция миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондидан топилган бир баёз бундай саволлардан келиб чиқувчи жавобнинг топилишига йўл очиб берди. Мазкур баёз 1836 йили Умархоннинг ўғли — Қўқон хони Муҳаммадалихон учун кўчирилган. Унда Хон тахаллуси билан шеърлар ёзган Муҳаммадалихоннинг иккита ғазали, Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган қасидаси ва Қўқон саройидаги 70 шоирдан бири — Дабирнинг Муҳаммадалихонга бағишланган қасидаси келтирилган.

Тўпламда тартиб бўйича аввалига Хон шеърлари, Жомий қасидаси ва Дабирнинг Муҳаммадалихонга ёзган қасидасининг берилиши тасодифий эмас. Бу билан Дабир ҳукмдорини Ҳусайн Бойқарога, ўзини эса Жомийга ўхшатмоқчи. Жомийнинг ўз даври ҳукмдорига ёзган қасидаси ва у билан кетма-кет берилган Дабир қасидаси ҳам бунга билвосита ишора қиляпти. Айни баёзни Дабирнинг ўзи тузган ва ўз қўли билан кўчирган. Яъни моҳиятан Дабир Адо ва Фазлий йўлидан бориб, ўзини Ҳирот муҳити шоиридек, деб баҳолаган.

Шуларни ёзарканмиз, академик Азиз Қаюмовнинг қуйидаги гаплари ёдга келади: “Умархон бошлиқ сарой шоирлари XIX аср биринчи чорагидаги Қўқон адабий муҳитини Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий яшаган даврдаги XV аср Ҳирот адабий муҳитига монанд қилиб тасвирлар эдилар”. Бу билан Қўқон адабий муҳити Ҳиротдагисидан қолишмайди, демоқчи бўлганлар.

Шу ўринда, Қўқон хонлигининг келиб чиқиши билан боғлиқ “Олтин бешик” афсонасини эслаш жоиз. Унга кўра, 1512 йили Мирзо Бобур ўз хонадони билан душманлари таъқибидан қочиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетаётганида ичида ўғилларидан бири ётган бешикни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик маҳаллий аҳоли бу болани топиб олиб, у кимнинг авлоди эканлигини билиб, ўзларига раҳбар қилиб тайинлашади. Болага Олтин бешик деб исм қўйиб, тарбиялаб катта қилишади ва ундан Қўқон хонлари авлоди тарқайди. Олтин бешик 1512 — 1545 йиллари яшаб ўтган, дейилади. Қўқон хонлигига 1710 йили минг уруғи асос солганлигини эсласак, темурийлардан кейинги салкам 200 йиллик бўшлиқ (дастлабки Қўқон хони Шоҳрухбий (1709 — 1721) давригача) “Олтин бешик” афсонаси ҳамда тарихан мавжуд бўлмаган ўнта ҳукмдор номи орқали тўлдирилади. Мана шундай афсона йўли билан Қўқон хонлигига асос солган минг уруғи ўз шажарасини темурийларга боғлайди. Шуниси қизиқки, “Олтин бешик” афсонаси XIX аср бошидан, яъни Умархон ҳукмронлиги даври Қўқон тарихчилари асарларидан бошлаб келтирилади.

Афтидан, Умархон даврига келиб, Қўқон хонлигида темурийларга боғланишни исботлаш, ифодалаш ва буни асослашга бўлган эҳтиёж кучайган кўринади. Чунки “Мажмуаи шоирон”нинг айни шу даврда тузилиши, унда марказий ўринни Умархонга қасидалар ва Умархон шеърларига эргашиб ёзилган ғазаллар эгаллаши, Адо, Фазлий ҳамда Дабирнинг Навоию Жомийга ўхшашга даъво қилиши, ниҳоят, “Олтин бешик” билан боғлиқ афсонанинг тарихий фаоллашуви айнан бир даврга — XIX асрнинг 10 — 30-йилларига тўғри келяпти. Айни ҳаракатлар ортида Қўқон хонлари ўзларини темурийлар билан фақат насл-насабда эмас, балки маданий даражада ҳам боғланишларини, масалан, Умархон даври Ҳусайн Бойқаро даврини эслатишини шеърий ижодкорлик орқали кўрсатмоқчи бўляпти. Бу ҳаракат Қўқон хонлигида маданий сиёсат давлат даражасида ўз ифодасини топганини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди.



Хуллас, Адо “адабсизлик” қилиб, ўзини Навоийдан устун қўймоқчи бўлмаган. Адо байти XIX аср аввали Қўқон хонлигидаги давлат ворисийлик (легитимацион) ва маданий сиёсатига мос бир мисол бўлиб чиқяпти. Бинобарин, Адо Навоийдан устунликка интилмаган.

**Афтондил ЭРКИНОВ,**
**филология фанлари доктори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 597 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.30 Топширилди — 04.45 1 2 3 4 5 6